



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 15 май, шанба • №40 (11.635)

Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигига

ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Вилоят ҳокимлигида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳудудий комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссия раислари, Қибрай тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссия аъзолари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Йўлдошев бошқарди.

Йиғилишда вилоят назорат органларининг мувофиқлаштирилиши якунлари ва Республика Кенгашининг 2004 йил 12 мартдаги 1-сонли баённомасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чоралари юзасидан вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, комиссия раисининг ўринбосари Мирзохид Комиловнинг ахбороти тингланди.

Жорий йилнинг ўтган биринчи

чорагида текширишларнинг тартибга солинишига оид қонунчилик талаблари таъминланишига қаратилган тадбирларни амалга оширилиши давом эттирилгани таъкидланди. Шу билан бирга айрим назорат органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан режада мўлжалланган айрим текширишларнинг ижроси таъминланмаганлиги, жумладан, тижорат банкларининг жойлардаги бўлинмалари томонидан чорак давомида 36 та, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 25 марта, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан 48 та режали текшириш ишларига белгиланган муддатларда риоя қилмаслиги ҳолатларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Комиссия йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ

Кейинги йилларда вилоятимиздаги қурилиш иншоотларини барпо этишда унинг сифатига ва шу билан биргаликда арзонроқ давлат маблағи эвазига қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни тендер савдоларидан ўтказиш эса иқтисодиётимиздаги ислохотларнинг натижаси бўлиб, бунда икки томон — буюртмачи ва пудратчи ташкилотларга катта масъулият ҳам юкланади.

Яқинда вилоят ҳокимлигида жорий йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг мукамал таъмири бўйича навбатдаги тендер савдолари бўлиб ўтди.

— Мумкин қадар давлат маблағларини тежаш мақсадида ўтказилган навбатдаги тендер савдоларида вилоятдаги 52 та пудратчи ташкилотдан вакиллар қатнашди, — деди Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги қурилишларда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори

Шўхрат Миржалолов. — Унда пудратчи ташкилотлар вилоятимиздаги 44 та халқ таълими ва 28 та соғлиқни сақлаш муассасалари мукамал таъмирини сифатли ва арзон қилиб, қисқа муддатларда якунлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олишди.

Тендер савдоларига раислик қилган вилоят ҳокими ўринбосари Шавкат Қосимов ғолибларни қутлар экан, уларга ишонч билан биргаликда улкан масъулият ҳам юкланганини алоҳида таъкидлади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистонда янги парламент доимий ва профессионал асосда иш олиб боради. Табиийки, бу қонун ижодкорлигини янги сифат даражасига кўтарди, бу жараёнда умуммиллий манфаатлар билан бир қаторда минтақавий муаммолар ҳам тўлиқ ҳисобга олинади.

Буларнинг барчаси ўз навбатида қонун чиқарувчи органнинг сифат таркиби билан боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутди.

Олий Мажлисда ўтган семинар-кенгашда асосан шу хусусда гап борди. «Олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусига бағишланган бу тадбир парламент Матбуот ва ахборот, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

қўмиталари томонидан ташкил этилди. Унда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Абдулла Тўхташев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Хўжаевалар маъруза билан чиқишди. Сўнгра олий ва маҳаллий давлат ҳокимия-

ти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтириш, жамиятни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида чуқур демократик ислохотлар амалга оширилишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига бўлажак сайлов, унинг Сенатини шакллантириш, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайлов фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда тамоман янги босқич эканлиги алоҳида таъкидланди. Матбуот, радио ва телевидение вакиллари мамлакатимиз ҳаётидаги бу ниҳоятда муҳим жараённи ҳар томонлама ҳаққоний ва холис ёритиш масалалари юзасидан фикрлашиб олишди.

Ўз мухбиримиз.



Вилоятимиз хўжаликларида пилла терими бошланди. Бўка тумани пиллакорлари бу ишга биринчилар қатори киришдилар. «Хўжақўрган» ширкат хўжалигида бу йил 168 хонадонда 210 қути ипак курти боқилди. Тажрибали пиллакорлар ҳар қутисидан камида 60 килограммдан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. **СУРАТДА:** (ўнгдан) Рашида Мақсумова, Ойша Орипова, Саховат Абдуллаев пилла теришмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда ташкилий масала ҳам кўрилди. Шу пайтга қадар вилоят кенгаши раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Диёр Алимов вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Анжуман ишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев иштирок этди.

Абдушуккур МУСАЕВ.

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИ

Кичик тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида республикада ҳар йили «Ҳамшира» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Бекобод туманида ҳам ушбу танловнинг туман босқичи якунланиб, вилоят босқичида қатнашувчи номзод аниқланди. Етти нафар ҳамшира қизлар танлов шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Улар ўз касб маҳоратлари, беморларга муомала маданияти ҳамда ҳаётдаги уй-рўзгор ишлари бўйича ўз билим ва

тажрибаларини намойиш этдилар.

Барча шартларни аъло бажариб, ҳамкасблари орасида юқори балл тўплаган туман марказий шифохонасининг терапия бўлими ҳамшираси Мунира Низомиддинова ғолиб деб топилди ва вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида миллий армиямизни етук мутахассислар билан таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Жумладан, шу кунларда мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чирчиқ шаҳар бўлими шаҳар мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда ўқув муассасаларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида кўплаб учрашувлар ҳамда ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказаятир.

Ўз мухбиримиз.

ИНШОЛАР ГАЗЕТАДА БОСИЛМОҚДА

Шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги барча касб-хунар коллежлари ва 25 та умумтаълим мактабида турли тадбирлар ўтказилади.

Шу кунларда 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Мен бахтли яшашга ҳақлиман!» мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтмоқда.

Энг яхши ёзилган иншолар таълим масканлари маъмурияти тавсиясига кўра шаҳардаги «Чирчик тонги» газетасида эълон қилиб берилмоқда.

Муҳаммад СУННАТОВ.

«Бахт-иқбол... ҳукукига эгаман» танловига

Меҳрга ташна қалблар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» уни севиб ўқийман. Баъзан менга ҳикмат бўлиб туюлган жумлаларни ёзиб ҳам оламан.

«Дўстни хўрлаш — гуноҳ, умр йўлдошини хўрлаш — юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш — минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш — чексиз гуноҳ».

Ўша чексиз гуноҳни баъзан билиб, баъзан билмай содир қилаётганлар камми?! Бу фоний дунёда айримларнинг гуноҳу айблари меваси — фарзандларини болалар уйига ташлаб кетаяётганларчи?!

«Болалар уйи» болаларига ҳеч эътибор бер-

ганмисиз? Энг қувноқ давраларда ҳам нигоҳларидаги синиқликни, мунгни англаш қийин эмас. Гарчанд, кўзлари кулиб турсада, миғжаларида кўзёш ҳалқаланиб туради. Гўё жону жаҳонини онаизорининг бир оғиз «болам» дегувчи каломига алмашгудай. Тўғри-да, уларнинг ҳам ПОШПОЛИК деб аталмиш болаликнинг беғубор дамларидан баҳраманд бўлишга, болаликнинг қувончу ташвишлари билан андармон бўлишга бошқалар сингари ҳақлари борку! Қачонлардир ота-онасининг қилган гуноҳи учун ана шу мурғаккина болакайлари-нинг болалик бахтидан мосуво этилиши, «жазоланишлари» адолатданми?!

Қайтарилган пошполик

Пойтахт вилоятининг Қибрай шаҳарчасида «Меҳрибонлик» рухий-анамал болалар уйи жойлашган. Бу ерда мовий кўзлари доимо маъюс боқувчи Рома исмли болакай яшарди. Ёдимда, Наврўз байрами арафасида «Меҳрибонлик уйи»да катта тадбир ўтказилди. Ҳомийлару саховатпеша кишилар болалар учун дастурхон ёзишиб, катта байрам уюштиришди. Ўша байрамда Романинг зар чопонлар кийиб «Андижон полькаси»га ўйнаганини кўрганингизда эди, унинг ўнг оёғи протез, дейишса ишонмасдингиз. Аслида эса, ана шу ногиронлиги сабаб бола қачонлардир ота-онаси томонидан ташлаб кетилганди...

— Байрам куни Романинг Тошкентда яшайдиган хола-си келиб қолди, — дейишди тарбиячи опалари. — Унинг ота-онаси бир неча йиллардан буён Россияда яшаётганликлари, бефарзандликдан азият чекишяётганлигини айтди.

Кўп ўтмай Романинг онаси келди. Болакайга ўхшаб кетадиган аёл уни барига

босаркан, «Кечир мени ўғлим», дея олди холос.

— Мен қачонлардир онамнинг келишларига ва мени олиб кетишларига ишонардим, — дейди Рома соф ўзбек тилида. — Қаранг, онам нақадар гўзаллар-а?! Гўё фариштага ўхшайдилар.

Дарҳақиқат, фарзандларига меҳри жўш урган оналар гўё фариштага айланадилар.

Гулнора опанинг изтироби

«Меҳрибонлик уйи»да 7 кунликдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Бу давр болаларнинг бир-бирларига, тарбиячиларига меҳр кўйиб қолиш учун етарли давр. Болалар 7 ёшга тўлгач, соғлиги, зеҳни ва қобилиятига қараб бошқа муассасаларга жўнатилади. Дўсту қадрдонлардан ажралишнинг эса ўзи бўлмайди.

— Ўтган йили ҳам 6 нафар боламизни Фарғонадаги «Меҳрибонлик уйи»га ташлаб келдик, — дейди катта тарбиячи Дилором Иномова. — Дўстларидан айрилиб, янги муҳитга ўрганмаган болаларимизнинг мўлтираб

қолганликларини кўриб, ўқсиб-ўқсиб йиғлаганмиз. Афсуски, ҳар йили шу ҳолат такрорланади. Етти йил давомида бағримизда ўз жигаримиздек бўлиб қолган болаларнинг кейинги ҳаётлари сен учун бегона бўлиб қолиши одамни қийнаб экан.

Меҳрибонлик уйида Каромат исмли қизалоқ бор. Қўл панжалари тўмтоқлиги демаса, ақли хуши жойида, зебогина қиз. Унинг чизган расмларини кўрсангиз беихтиёр ўйга толасиз. Унинг доимий мавзуси — фарзандини бағрига босиб турган ОНА сиймоси. Каромат бош шифокор Гулнора Тўхтаназарованинг ўз қизидай бўлиб қолган. Опа хонадонидидаги бирор байрам йўқки, Кароматсиз ўтса. Ўша қизалоқ бу йил 7 ёшга тўлади. Гулнора опа изтиробда. «Усиз яшашга кўника олармиканман».

«Болалар уйи»нинг болакайлари

Яқинда бир таниш аёлни учратиб қолдим. Қўлида хужжатлар тўла жилд.

— Укам келинимиз билан севишиб турмуш қурганига ўн



йил бўлди. Бормаган шифокору табииимиз қолмади. Ноумид шайтон. Улар оилани сақлаб қолиш мақсадида фарзанд сақлаб олишмоқчи эди. Илоҳи бўлмаяпти. Туғруқхоналарда навбатга турганларнинг узундан узок рўйхатини кўрсатишади. Билмадик, улар бунча қоғозбозликларни қачон енгиб, қачон ота-оналик бахтига эришишаркин...

Фарзандсизлик — оғир дард. Кимдир фарзандга зор, кимдир уни хор қилади.

Сўнгги маълумотларга қараганда республикамызда 30800 нафар бола 147 та меҳрибонлик уйларида тарбияланмоқда. Демакки, шунча полапон ота-она меҳрига муҳтож. Агар ҳар ўн боланинг биригина ота-онали бўлаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандликка олиш бўйича турли расмийчилик ишларининг заруратини ҳис қилиш қийин эмас. Туғруқхоналару айрим идораларда етим болаларни фарзандликка олиш учун рўйхатга турганлар қанча ва яна анча бола ота-она меҳрига зор, болалик бахтидан мосуво, меҳрибонлик уйларида кимнингдир меҳрини кутиб яшамокда. Тўғри, ҳукуматимиз томонидан уларнинг яхши яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Меҳрибонлик уйларида эса уларга тарбиячилардан тортиб энагаларгача ўз фарзандларидай муносабатда бўлишади. Меҳр кўрсатишади. Бироқ, буларнинг биронтаси ота-она меҳри тафтини беролмайди.

Уларга эса ота-она, чин маънодаги оила меҳри керак. Зеро, бу дунёда ҳамма бахтли яшаса, бахт-иқболга эришса қандай яхши.

Гулнора АҲМЕДОВА,
журналист.

МАКТАБДА ГУЛЛАР БАЙРАМИ

Қибрай туманидаги 2-умумтаълим мактабида болалар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни атрофимиздаги оламни эъзозлашга ўргатиш мақсадида

«Гуллар ва қушлар байрами» ўтказилди.

Тадбир ушбу таълим маскани биология фани ўқитувчиси Барно Раҳимова ташаббуси билан ўтказилиб, унда 5-7-синф ўқувчилари ўзлари парвариш қилаётган гул ва қушларни намойиш этишди.

Шундан сўнг турли мавзудаги макетлар ва деворий газеталар кўргазмаси уюштирилиб, болаларга бир олам завқ улашилди. Тадбир ниҳоясида байрам қатнашчилари мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирланишди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

ЯНГИ КОМПЬЮТЕР ХОНАСИ

Тошкент туманидаги Комилжон Ғофуров номи 35-ўрта мактаб эндиликда янги, замонавий компьютер хонасига эга бўлди.

Туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракатлари билан мактаб маъмуриятига сўнгги Pentium-IV русумидаги компьютернинг 10 таси тақдим этилди. Компьютер хонасини талаб даражасида жиҳозлаш учун халқ таълими бўлими томонидан 250 минг сўм ажратилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Ғалла — 2004

Чиноз туманида ҳар йили ғалла ўрими ва пахта йиғим-терими оқилона ташкил этилиб, уюшқоқлик билан олиб борилади. Натижада ҳосил қисқа муддатларда саранжомланиб, режалар ортиғи билан бажарилади. Бундай барқарорликни таъминлашда туман машина-трактор парки жамоасининг ҳиссаси катта.

86 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган МТП ўзининг 9 та «Кейс» дон комбайни, 13 та «Кейс» пахта териш машинаси ҳамда ерга ва экинларга ишлов беришда фойдаланиладиган бошқа техника воситаларига эга. Ана шу мавжуд машина ва механизмларни сифатли таъмирлаш ва доимо ишга яроқли ҳолда сақлаш яхши анъанага айланган. Шу боис тумандаги 13 та ширкат ва 160 фермер хўжалигининг техника воситаларига бўлган эҳтиёжи вақтида ва тўла қондирилади. Натижада хўжаликлар ҳам, МТП нинг ўзи ҳам салмоқли даромадга эга бўлади.

Ўтган мавсумда МТП ходимлари туман хўжаликларининг беш минг гектар ердаги ғалласини, тўртдан бир майдондаги



ЧИНОЗ: «КЕЙС»ЛАР ЎРИМГА ШАЙ

пахтасини саранжомлаб бердилар. Бошқача қилиб айтганда, жами 473 миллион 521 минг сўмлик иш бажарилди. Пировардида МТП 26 миллион сўм соф даромад кўрди.

Бу йил ҳам МТП жамоаси ғалла ўрими мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик

кўрди. Бош муҳандис Салоҳиддин Рўзимуродов раҳбарлигида мавжуд дон комбайнлари ўрим мавсумига барвақт ва сифатли таъмирланиб, тайёргарлик чизигига қўйилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган махсус сифат комиссияси «Кейс» комбайнларининг

ҳолатига юксак баҳо берди. Бунда чилангар Абдунаби Абдусаломов, пайвандчи Геннадий Жерелёв каби тажрибали соловчиларнинг ҳиссалари, айниқса, салмоқли бўлди.

— Бу йил туманимиз хўжаликларига ғалла ҳосили бирмунча эрта пишиб етилмоқда,

— дейди МТП раиси Миржамол Ғуломов. — Ўтган мавсумда ғалла ўримида 12 июнда киришилган бўлса, бу йил 1 июндан бошлаш мўлжалланмоқда. Шунинг учун операторларимиз ҳозирданок ўз «Кейс»ларини тайёр ҳолга келтириб қўйдилар. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, битта «Кейс» машинасига 550 гектар атрофида ғаллазор тўғри келади. Ўтган йил якунларига қараганда Умрзоқ Суяров, Раҳматилла Иброҳимов каби операторларимиз мавсумда 700-750 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-янчиб беришлари мумкин. Демак, бу йил ўрим-йиғимни қисқа муддатда якунлаш учун барча имкониятлар яратилган десак муболаға бўлмайди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) импорт техника бўлими бошлиғи Азим Мақсудов, операторлар Бахтиёр Холмуродов, Муҳаммаджон Каримов, МТП раиси Миржамол Ғуломов, механик Шухрат Саидхўжаев тайёрлик чизигида турган «Кейс» комбайнларини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Биз Ўзбекистон ҳақида нималарни биламиз?

Жавоб оддий: биз Ўзбекистон ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Билганимиз – Ўзбекистон Украина, Молдова, Озарбойжон ва Грузия билан бирга ГУУАМ аъзоси. Бир қарашда, Ўзбекистон ҳақида билишнинг эҳтиёжи бормикан? У узоқда, дунёнинг нариги чеккасида жойлашган бўлса, Иқтисодий жиҳатдан оладиган бўлсак, Ўзбекистон биз учун ҳамкор сифатида бошқа мамлакатлар қаторида муҳим аҳамиятга эга, у билан савдо-сотиқ қилишимиз мумкин. Лекин ўрнат олиш нуктаи назаридан бу мам-

ли ўлароқ, этномиллатчи мухолифатнинг фаолияти туфайли рўй берган у ёқдан бу ёққа оғишларни бошдан кечирмади. Бундай мухолифат кўпинча нима қилаётгани ва бундай ишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўзига ҳисоб бериб ўтирмайди.

Ана шундай барқарорлик Ўзбекистонга ўзининг ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўйлаб, турли экстремистик доираларга, Россия, АҚШ, Европа, қўшни мусулмон давлатларга ва умуман ҳеч кимга ён босмасдан олиб бориш имконини берди. Иқтисодчилар Ислом Каримов жорий этган иқтисодий ислохотлар модели қаердан – Хитой, Чили, Кореядан ёки бошқа бирон-бир давлатдан олингани хусуси-

ий. Бу мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви ва аҳолисига хос мусулмончилик анъаналари туфайли диний экстремистларда уни халқаро террорчилик ва наркобизнеснинг таянч нукталаридан бирига айлантиришдан иборат қабих ният пайдо бўлди. Наркобизнес эса халқаро террорчилик учун асосий молиявий манба экани ҳеч кимга сир эмас. Лекин амалда бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди – Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши курашда таянч нукталардан бирига айланди! Ислом Каримов аввал-бошда ноқ қатъият кўрсатиб, экстремистик этномиллатчи ташкилотлар ва ўз террорчилик фаолиятида динни ниқоб қилиб олган мухолифатнинг пайини қирқишга муваффақ бўлди ва шу та-

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонни барпо этиш йўлини ишлаб чиқар экан, "давлат – асосий ислохотчи" тамойилини танлади. Республика раҳбарияти Россия ёки Украина услубидаги либерал ислохотлар модели Ўзбекистонга мутлақо тўғри келмаслигини яхши тушунарди. Мамлакатнинг тарихи ҳам, маданияти ҳам ўзбек заминидан замонавий капитализм атиргул ёки лола каби тез фурсатда гул очишига умид қилиш имконини бермасди. Бундан ташқари, республика раҳбарияти аввал-бошданок ислохотларнинг асосий мақсади – халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат эканлигини эълон қилди. Ислохотларнинг оғир даврини енгиб ўтишда аҳолининг энг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурлар ўша пайтдаги "фалаж қилиб даволаш усули"нинг муқаррар зарбини имкон қадар енгиллаштирди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни модернизация қилишдан бошқа мақбул йўл йўқлигини яхши англади. Бу эса жамият ҳаётида демократияни ривожлантиришни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва бир қатор сиёсий ислохотлар ўтказиш ва турли халқаро сиёсий институтлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда tutарди. Шу ўринда мазкур халқаро ташкилотларнинг кўпчилиги ёш демократик давлатга нисбатан ҳар доим ҳам хайрихоҳ муносабатда бўлавермаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар собиқ шўро республикалари орасида биринчи бўлиб қонуний сайланган Ўзбекистон Президентини қаттиққўл ҳукмдор қиёфасида кўрсатишга, ривожланаётган демократияни эса Ғарбни алдаш мақсадида қилинаётган Византия ўйинларига ўхшатишга астойдил уринарди.

Албатта, Ўзбекистон ҳукумати ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан борар экан, бу борада аввало ўз салоҳияти ва кучига ишонарди. Оқилона сиёсат раҳбариятга, биринчи навбатда, рўй берган хатоларни вақтида тузатиш, иккинчидан, Ғарб давлатларига ўзининг ички ишларига аралашуш учун йўл қўймаган ҳолда, улар билан муносабатларда ўз обрўсини муносиб даражада сақлаб қолиш имконини берди. "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили тараққиётнинг асосий тамойили сифатида танланди.

Республика парламенти (шуни айтиш керакки, ҳозир амалга оширилаётган конституциявий ислохот доирасида у икки палатали парламентга айланади ва бугунги кунда Президент бажараётган вазифаларнинг бир қисми унинг ваколатига ўтади) инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир 120 дан ортиқ қонун қабул қилди ва 60 дан зиёд халқаро шартномани ратификация қилди. Халқаро ҳуқуқларнинг умумэтироф этилган меъёрлари миллий қонунчиликда мустаҳкам ифодасини топди.

Ўзбекистонда 300 дан ортиқ миллий ва халқаро нодавлат ташкилот ҳамда 2310 та маҳаллий жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган. Мамлакатда АҚШнинг энг машҳур Freedom House ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти ва Human Writes Watch халқаро ноҳукумат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ва бошқа кўплаб бизга таниш бўлган халқаро ташкилотлар фаолият юритмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини кузатиш борасида ўз вазифаларини бажаришда уларга ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. Шу билан бирга бирон-бир ноҳукумат ташкилот ҳаддидан ошиб, Ўзбекистон ва унинг қонуний сайланган ҳукумати шаънига лой чаплашига ҳам бу ерда ҳеч ким йўл қўймайди.

«Известия – Украина» газетаси,
2004 йил 6 май.

Тимур Фисуненко

ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ – БАРҚАРОРЛИКДА

лакат бизни кўп қизиқтирмайди. Аммо, бундай дейиш – катта хато. Аслида ҳаммадан ҳам ниманидир ўрганиш мумкин ва зарур. Инсон агар ҳаётдан орқада қолишни истамаса, бутун умри давомида мунтазам ўқиб-ўрганиши лозим. Худди шу каби ҳар қайси давлат атрофдаги воқеаларни синчковлик билан доимий кузатиб бориши, барча ижобий ўзгаришлар ва илғор тажрибаларни, улар қаерда пайдо бўлишдан қатъи назар, ўзлаштириши, салбий ҳодисалардан эса тегишли хулосалар чиқариши даркор.

Ўзбекистон бугунги дунё харитасида муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат. Бу ерда яқинда рўй берган террорчилик ҳаракатлари мамлакатдаги барқарорликка путур етказа олмади. Бу Ислом Каримов яратган сиёсий тизимнинг яшовчан ва мустаҳкамлигини яна бир бор намоён этди.

Барқарорлик ва оқилона сиёсат йўли

Аслида Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги муштарак жиҳатлар дастлабки таассуротлардан кўра кўпроқ эканини айтиш лозим. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам Совет Иттифоқи таркибида бўлган ва бир пайтда тоталитар тузумдан қутулиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган; Ўзбекистонда ҳам, Украинада ҳам радикал гуруҳлар бор; Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам муҳим геосиёсий салоҳиятга эга ва шу сабабли халқаро майдонда ҳал қилувчи мавқега эга давлатларнинг манфаатлари доирасида туради; Украинада ҳам, Ўзбекистонда ҳам турли хорижий жамғармалар, халқаро нодавлат ташкилотлар фаол иш олиб бормоқда, айрим давлатлар эса унинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатига ҳам таъсир ўтказишга уринмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон муайян соҳаларда Украинадан кўра олдинги марраларда туради. Диний ақидапарастлик таҳдидларига қарамай, Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда кўпчилиكنи ўз фикри билан ҳисоблашишга ўргата олди. Ва шу тариқа ҳозирги вақтда яратилаётган глобал хавфсизлик тизимида ва халқаро террорчиликка қарши курашда муҳим стратегик бўғинга айланди.

Бу ютуқнинг сабаби нимада? Бунинг жавоби, бир сўз билан айтганда, барқарорлик ва оқилона сиёсат юритишда. Ўзбекистон, Украинадан фарқ-

да ҳали-ҳануз баҳс юритишади. Лекин, буларнинг ҳаммасидан пировард натижа муҳим: Ўзбекистон собиқ шўро худудидаги мустақил республикалар орасида барча соҳаларда – бу иқтисодий соҳа бўладими, сиёсий ёки ижтимоий соҳа бўлсин – муваффақиятга эришган мамлакатлардан бири бўлиб чиқди. Айнан Ўзбекистон СССРнинг парчаланиши туфайли вужудга келган иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун оғир, аммо зарур ислохотларни оқилона амалга ошириш ҳисобидан бу қийинчиликни енгиб ўтди. 1997 йилга келиб Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1990 йилга нисбатан 90 фоизни ташкил этди, яъни иқтисодиёти деярли тикланди. Таққослаш учун айтиш керакки, ўша даврда Россияда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 59, Қозғистонда 62, Белоруссияда 73, Қирғизистонда 60, Озарбойжонда 44, Арманистонда 58, Молдовада 63, Украинада эса атиги 42 фоизни ташкил этган эди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса 1997 йилда Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан 112,7 фоизни ташкил қилди! Қиёслаб кўринг: ўша пайтда бу кўрсаткич Россияда – 51, Украинада – 52, Грузияда – 23 фоиз бўлган эди. Яъни қолган мамлакатлар, жумладан Россия ҳам оғир инқирозни бошидан кечириётганда Ўзбекистон совет давридаги ўз кўрсаткичларидан ўзиб кетди!

Ҳозир ҳам республиканинг иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли даражада юқори: жорий йилнинг январь-февраль ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга ўсган. Қора металлургия (21,1 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (35,6 фоиз), қурилиш материаллари (13,8 фоиз) каби саноат тармоқлари ва енгил саноат (11,4 фоиз) жадал суръатлар билан ривожланди.

Террорчиликка қарши курашдаги мустақил жанговар куч

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилади. Лекин у – дунёвий мамлакат. Ўзбекистон жаҳондаги энг нотинч минтақалардан бири – Афғонистон ва яқиндаги на фуқаролар урушини бошдан кечирган Тожикистон билан чегарадош давлат сифатида диний экстремизм кўри-нишларига тўқнаш келаётгани таби-

риқа Ўзбекистонда тинчлик ва озоишталликни таъминлади.

Американинг The Jamestown Foundation таҳлилий маркази томонидан нашр этиладиган "Террорчилик монитори" ахборотномасининг 13-сонидан ўзини Ўзбекистон ислом ҳаракати деб атайдиган миллатчи мухолифатга халқаро террорчиликнинг жирканч кўри-нишларидан бири сифатида "ўта шафқатсиз", ҳатто ўз аъзоларига нисбатан ҳам раҳмсизлиги билан ном чиқарган ташкилот деб баҳо берилган. Ахборотнома "ҳукуматнинг қаттиққўл сиёсати"ни, ўзбекларнинг тинчликсеварлиги ва "исломий бағрикенглиги"ни, шунинг натижасида Ўзбекистон шаҳарларида "осойишталик ва тартиб" ҳукм сураётганини, одамларнинг эртанги кунга ишончи юксак эканини эътироф этади. Мазкур нашр хулосасига кўра, Ўзбекистон ўз барқарорлиги, экстремизмга қарши кураш тажрибаси билан Ғарб учун намуна бўла олади.

Табиийки, бундай натижага барқарорлик ва узоқни кўзлаб иш юритиш билангина эришиш мумкин. Бундай сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи фаолиятига бирдай тааллуқли. Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик саммитида сўзлаган нутқида Марказий Осиё мамлакатлари "Афғонистондан Ғарб мамлакатларига наркотик моддаларни етказиш учун энг қисқа ва қулай йўлакка айланаётгани", бинобарин, Ғарб наркотик моддалар ва терроризмдан иборат бундай мудҳиш бало-қазога бефарқ қараб турмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис, АҚШ бошчилигидаги коалиция Афғонистонда "Енгилмас озодлик" антитеррор операциясини бошлаганда, Ўзбекистоннинг аэродромлари, бошқа фуқаролик ва ҳарбий инфратузилмалари республика раҳбарияти томонидан иттифоқчилар авиациясига фойдаланиш учун берилгани ҳам ажабланарли эмас.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок вазмин, пухта ўйланган, оқилона сиёсат олиб бораётгани туфайли антитеррор коалициянинг пассив иштирокчиси бўлиб қолмай, ўзини мустақил геосиёсий иштирокчи, ҳар томонлама таъминланган антитеррор ҳарбий куч сифатида намоён этмоқда. Шунинг учун бугун АҚШда ҳам, Россияда ҳам, ислом оламида ҳам Ўзбекистонга ҳурмат билан қарашади ва унинг фикри билан ҳисоблашишади.

Dushanba

17

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 ТВ маркет
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
Телесериал.
9.40 «Нурли манзиллар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
12.30 «Дастурхон

атрофида»

12.40 «Фил учун совға»
12.50 «Музыка дунёси»
13.10 «Табиат шифохонаси»
13.20 «Халқнинг кўнгли»
14.10 Кундузги сеанс: «Нотаниш ворис»
Бадий фильм.
15.30 Жаҳон телекоммуникация кўниги.
«Мувоzanат»
15.50 «Иктидор»
Телесериал.
16.40 «Ит уяси»
Телесериал.
«Болалар сайёраси»
17.05 1. «Гаройибкентга саёҳат»
2. «Олтин тож»
Телевизион ўйин.

18.10 «Трам-салом», «Акс-садо ҳақида эртақ». Мультфильмлар.
18.25 «Кўшиғимиз Сизга армуғон»
18.45 «Ўзбекистон адаблари». Т.Қайипбергенов.
19.05 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
«Химмат»
21.25 «Бойсун жила-ри»
21.45 «Аср муаммоси»
22.05 «Аёл эрки»
Телесериал премьераси.
22.45 «Ахборот-дайжест»
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
16.55 Кўрсатувлар дастури
17.00 «Давр» ҳафта ичида
17.30 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
17.50 Ёшлар овози
18.10 Кўёшли юрт одамлари
18.30 Тафаккур ёлқинлари
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Илдиз ва япроқ
20.10 Сув - ҳаёт манбаи
20.20 Муслиқий лаҳзалар
20.30 ТВ-адвокат
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр

22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал.
«Бибилиска пул»
20.20 «Мурувват»
21.15 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам»
21.55 ТВда сериал.
«Индаба»
22.20 Кинонигоҳ.
«Бинго-Бонго».

23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Белбоғ кураш»
Халқаро турнир.
9.40 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпионати.
10.10 «Микрокосмос»
11.20-13.00 Л.Куравлев, Е.Лазарев, И.Угольников «Таитида учрашамиз» комедиясида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил»
Ҳажвий кўрсатув.
17.50 «Клон» Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Мени куттил»
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти».

20.45 «Спортимиз маликалари»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Бизнес-ревью»
21.20 «Спорт ҳафта-си»
21.50 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ»
22.50 «Sport TV» да премьераси: «Янги ўйинчи» Бадий фильм.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55гача профилактика ниллари
16.55 Ойроқчи прог-рамми
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «За счастьем», комедия
19.20 «Ошикона»
муслиқий дастури
19.50 «Рокировка», сериал
20.50 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Тупой и ещё тупее», комедия
24.00 Программа передач

Seshanba

18

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 Муслиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Саёҳатлар эртаги»
Бадий фильм.
11.45 «Аму наволяри»
12.05 «Мулкдор»
12.25 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
«Химмат»
12.45, 13.10 ТВ анонс.
12.50 «Кишлоқ ҳаёти»
13.15 «Аёл эрки»
Телесериал.
13.50 Муслиқий танаффус.
14.10 «Муносабат»
14.40 «Бизнес ҳафта»
14.55 «Ўзбектеле-

фильм» намоиши:

«Нодир хазина»
15.05 «Яхшилик»
15.30 «Ит уяси»
Телесериал.
«Болалар сайёраси»
15.55 1. «Кўшиғим - жон кўшиғим»
2. «Болалар спорти»
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Эзгу мақсадлар йўлида»
18.30 Халқаро музейлар кўниги.
«Остона-си тиллодан»
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 «Сиёсат оламида»
22.05 «Аёл эрки».

Телесериал премьераси.
22.45 Республика Ички Ишлар Вазирлиги намунали кўргазмалари оркестрининг концерти.
23.15 «Ахборот-дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.25 Мультмоша
10.40 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Сато»
11.00 Саломатлик сирлари
11.20 ТВ-анонс
11.25 «Ёлгон асираси»
Телесериал
12.05 Кўёшли юрт одамлари
12.25 ТВ-адвокат

12.30 Ёшлар овози
12.50 Муслиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
14.00 Интерфутбол
15.40 Кишлоқдаги тенгдошим
16.00 Давр
16.10 «Дон-Кихот болалари»
Бадий фильм
17.25 Кўрсатувлар дастури
17.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
17.50 Таянч
18.10 Ёшлар овози
18.30 Хазина
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»-интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Дийдор
20.15 Марди-майдон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.30 Эгарчи

21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Муҳаббат синовлари»
Бадий фильм
01.00-01.05 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал.
«Бибилиска пул»
20.20 «Туризм ҳақида»
21.05 «Инсон ва қонун»
21.45 «Ҳамшаҳарлар»
22.05 ТВ да сериал : «Индаба»
22.50 Кинонигоҳ.
«Ягуар»
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Белбоғ кураш»
Халқаро турнир.
9.55 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпионати.
10.25 Самбо бўйича Осиё чемпионати.
10.55 Пауэрлифтинг. Осиё чемпионати.
11.10 Мультфильм.
11.20 Н.Гундарева, С.Шакуров, А.Гусков «Судья Иванованинг шахсий иши» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 «Муҳаббат ҳикоялари»
Б.Громов
17.50 «Клон»
Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Бошқача ҳаёт»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти».

20.45 «Олимп сари йўл»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Бизнес-ревью»
21.20 «Зафар бекати»
21.40 «Баҳодирлар ўйини»
22.10 Жаҳон спорти: «Еврофутбол»
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Ойроқчи прог-рамми
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Рокировка», сериал
14.00 Художественный фильм, «Тупой и ещё тупее», комедия
15.30 «Ошикона», муслиқий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «Мою жену зовут Морис», комедия
19.20 «Ошикона», муслиқий дастури
19.50 «Рокировка», сериал
20.50 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Джек Булл», вестерн
24.00 Программа передач

Chorshanba

19

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 Муслиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Тафсилот»
10.25 «Бинафшаранг шар»
Бадий фильм.
11.40 «Рангин дунё»
12.05 «КиноТеатр»
12.30 «Сиёсат оламида»
12.50 Болалар учун.
«Саргузаштлар ороли»
13.20 «Аёл эрки»
Телесериал.
13.55 Муслиқий танаффус.
14.10 «Истеъмолчи»
14.30 Кундузги сеанс: «Ойлави хўтдан лавҳалар»
Бадий фильм.

15.45 «Оламини асранг!»

16.05 «Ягона оилада»
16.35 «Ит уяси»
Телесериал.
«Болалар сайёраси»
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони»
2. «Яшил чироқ»
18.10 «Таълим ва тараққиёт»
18.30 «Куйла, ёшлигим»
18.50 «Ўзстандарт ва сифат»
19.05 «Ўзингни, ўз ўйингни ўзинг асра!»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари»
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Журналист таҳлили»
21.25 «Ватан мадҳи»
21.45 «Парламент вақти»
22.05 «Аёл эрки»
Телесериал премьераси.
22.45 «Ахборот-

дайжест»

23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.15 «Давр»-интервью
10.30 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури
11.10 Таянч
11.30 «Ёлгон асираси»
Телесериал
12.10 «Меҳрибон тулки»
Мультфильм
12.30 Ёшлар овози
12.55 Муслиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 Дийдор
14.00 «Заковат»
интеллектуал ўйини
14.50 ТВ-анонс
14.55 Хазина
15.10 Муслиқий лаҳзалар

15.20 Илдиз ва япроқ
15.40 Эгарчи
16.00 Давр
16.10 «Бувам, Клиан ва мен»
Бадий фильм
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.55 Тенгдошлар
18.15 Ракурс
18.35 Каталог
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Муслиқий лаҳзалар
20.15 Очил дастурхон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол-плюс
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари
23.55-0.00 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда».

17.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Муслиқий меҳмонхона»
18.30, 20.00, 21.00, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал.
«Бибилиска пул»
20.20 «Аёл қалби»
21.20 «Химоя»
21.40 «Янги иқтисод»
22.20 ТВда сериал.
«Индаба»
23.00 Кинонигоҳ.
«Махзун қалблар меҳмонхонаси»
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Кувноқ стартлар»
9.45 «Ўзбекистон - полвонлар юрти»
Кураш.

10.25 Теннис бўйича Фьючерс халқаро турнири.
10.55 «От спорти»
Тинчлик кубоги.
11.20 Н.Селезнева, Л.Пригунов, В.Висоцкий «Саша-Сашенька» фильмида.
12.40 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпионати.
13.10-14.00 «Кучли бешлик»
Англия.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 «Шунчаки кулги»
17.50 «Клон» Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Бошқача ҳаёт»
Сериал.
20.00 «Время»
20.35 «Болалар спорти»
20.50 «Спорт - клуб»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Бизнес - ревью»
21.20 «Спорт-менинг ҳаётим»
Муҳаммадқодир Абдуллаев.
21.50 Бадий гимнастика бўйича халқаро

турнир.
22.10 «Sport TV» да кино: «Менинг отам - қаҳрамон»
Бадий фильм.
23.35 Футбол. УЕФА кубоги. Валенсия (Испания) - Марсель (Франция). Тўғридан-тўғри эфирга узатилади.
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Ойроқчи прог-рамми
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Рокировка», сериал
14.00 Художественный фильм, «Джек Булл», вестерн
15.30 «Спорт-экстрим»
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «Драка в Бэтл-Крик», острозащитный фильм
19.20 «Ошикона», муслиқий дастури
19.50 «Рокировка», сериал
20.50 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Мои самые счастливые звезды», острозащитный фильм
24.00 Программа передач

Payshanba

20

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони»
2. «Яшил чироқ»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 Аниқфо сабоқлари.
10.25 «Миллион кифоя»
Бадий фильм.
11.55, 15.30 ТВ

анонс.

12.05 «Ўзингни, ўз ўйингни ўзинг асра!»
12.25 «Ватан мадҳи»
12.45 «Ҳаракатда-баракат»
13.00 «Калб гавҳари»
13.20 «Аёл эрки»
Телесериал.
13.55 ТВ клип.
14.10 «Журналист таҳлили»
14.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
15.35 «Масъул сўз»
15.55 «Парле ву франсез?»
16.15 Кундузги сеанс: «Ит уяси»
Телесериал.
«Болалар сайёраси»:

16.40 1. «Болалар спорти»
2. «Цирк, цирк, цирк»
17.40 «Харита»
Халқаро шарҳ.
18.10 «Халқ ўйинлари»
18.25 «Зийнат»
18.45 «Маслак ва мақсад»
19.05 «Соғлом она - соғлом бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Хониш»
Муслиқий дастур.

22.25 «Аёл эрки»
Телесериал премьераси.
23.05 «Ахборот-дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.15 Тенгдошлар
10.35 Футбол-плюс
10.55 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури
11.35 «Ёлгон асираси».

Телесериал
12.15 Тафаккур ёлқинлари
12.35 Ёшлар овози
12.55 Муслиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
14.00 Спорт-китъаси (рус тилида)
14.30 Автопатрул
14.50 «Экспедиция»
Шужатли сериал
15.40 Ракурс
16.00 Давр
16.10 «Довжорак Хочбар ҳақида ривоят»
Бадий фильм
17.40 Кўрсатувлар дастури
17.45 «Янги авлод» студияси: Шум болалар

18.00 2004 - Меҳр ва мурувват йили. «Ёш тадбиркор»
18.20 Табобат оламида
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»-интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Муслиқий лаҳзалар
20.05 ТВ-адвокат
20.10 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси»
Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Автосалтанат
23.05 «Қочоқ келин».

Бадий фильм
0.50-0.55 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навнихол»
18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал.
«Бибилиска пул»
20.20 «Аёллар салтанати»
21.00 «Саломат бўлинг»
21.40 «Бурч ва

масъулият.
22.00 ТТВда
сериал. «Индаба».
22.45 Кинонигоҳ.
«Миршаблар ва
Робберсонлар».
00.10-00.15 Хайрли
тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам»

бўлинг. Тонгги дам
олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Болалар
спорт».
9.15 «Ўзбекистон -
полвонлар юрти».
Кураш.
9.55 Теннис бўйича
Фьючерс халқаро
турнири.

10.25 «Майдон ортида-
ги одам».
10.40 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпионати.
11.10 «Кучли бешлик».
Испания.
12.00-12.20 «Х-Спорт».
16.55 Кўрсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.15 «Спорт-антракт».

17.20 Машхурлар: Мата
Хари.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир
ювиш».
19.00 «Бошқача ҳаёт»
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Болалар
спорт».
20.50 «Спорт - клуб».

21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревью».
21.20 «Нокаут».
21.50 «Белида бел-
боғи борлар».
22.05 Жаҳон спорти:
«Еврофутбол».
23.40 «Тунингиз осуда
бўлсин!».
30-канал
12.00 Открытие програм-

мы 12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час» 13.00
«Рокировка», сериал 14.00
Художественный фильм,
«Мои самые счастливые
звёзды», остросюжетный
фильм 15.30 «Спорт-экст-
рим» 16.00 «Тайны мира»,
познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час» 17.50
Киновечер на «30-м»:

«Коммандо», остросю-
жетный фильм 19.20
«Ошикона», мусикий дас-
тури 19.50 «Рокировка»,
сериал 20.50 «Спокой-
ной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная па-
уза» 22.00 Киновечер на
«30-м»: «Макс», драма
24.00 Программа пере-

JUMA

21

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёра-
си»:
9.00 1. «Болалар
спорт»
2. «Цирк., цирк,
цирк».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар
10.05 «Рикки, Тикки,
Тави». Бадий
фильм.
11.20 «Меҳр ула-
шиб».
11.40 «Маслак ва
максад».
12.05 «Кувноқ
стартлар».
12.35 Мусикий
учрашувлар
13.15 «Аёл эрки».
Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 Телемулқот.
14.50 Кундузги сеанс:
«Меҳрга ташна».

Бадий фильм. 1-қисм.
00.40-00.45 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Шум
болалар
8.45 «Лоф уришга
ким уста?» Мульт-
фильм
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал:
«Доктор Финли»
10.15 «Давр»-интервью
10.30 Болалар учун
фильм «Еттинчи жин»
11.30 Ёш тadbirkор
11.50 «Ёлгон асира-
си». Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусикий лаҳза-
лар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун
мультсериал: «Шарки
ва Жорж»
13.40 Мезон
14.00 «Экспедиция».
Щужатли сериал
14.50 ТВ-адвокат

Бадий фильм. 1-қисм.
00.40-00.45 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Шум
болалар
8.45 «Лоф уришга
ким уста?» Мульт-
фильм
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал:
«Доктор Финли»
10.15 «Давр»-интервью
10.30 Болалар учун
фильм «Еттинчи жин»
11.30 Ёш тadbirkор
11.50 «Ёлгон асира-
си». Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусикий лаҳза-
лар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун
мультсериал: «Шарки
ва Жорж»
13.40 Мезон
14.00 «Экспедиция».
Щужатли сериал
14.50 ТВ-адвокат

14.55 Саёхатнома
15.15 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Қадимги
шўхликлар». Бадий
фильм
17.20 Кўрсатувлар
дастури
17.25 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой
театри
17.45 Ёшлар ва ҳуқуқ
18.05 Аскар-мактубла-
ри
18.25 Саёхатнома
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Давр. Миллий
хавфсизлик
19.55 Меҳр кўзда
20.35, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.40 «Ёлгон асира-
си». Телесериал
21.30 Кишлоқдаги
тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Кинотакдим
23.05 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Интерфутбол

0.45-0.50 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабар-
лари».
18.00, 20.40 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар
экрани.
18.30, 20.00, 20.55,
22.25 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал.
«Бебилиска пул».
20.20 «Навбатчи
қисм».
21.10 ТТВда сериал.
«Индаба».
21.35 «Дорихона
эшиктади». Бевосита
мулоқат.
22.50 Кинонигоҳ.
«Хисобли никоҳ».
00.20-00.25 Хайрли тун,
шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам
бўлинг» Тонгги дам

олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Болалар
спорт».
9.15 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпиона-
ти.
9.45 «Федерация
фаолияти».
10.00 «Дадиллик учун
соврин».
10.25 Жаҳон спорти:
«Профф-РИНГ».
11.25 «Экстрим
спорт».
11.40-12.10 «Дунёга
назар».
16.55 Кўрсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.20 Хужжатли фильм.
17.50 «Эртага фут-
бол».
18.00 «Кучли беш-
лик». Италия.
18.50 «Мўжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар
спорт: Полвонжон».
21.50 «Спорт - клуб».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревью».
21.20 «Алпкомат
21.40 «3 - тайм».

22.00 «Маҳорат
кирралари».
22.30 NBA Баскет-
бол.
24.00 «Тунингиз
осуда бўлсин!».
30-канал
12.00 Открытие прог-
раммы 12.05 «Теле-хам-
кор» 12.30 «Детский час»
13.00 «Рокировка», се-
риал 14.00 Художе-
ственный фильм, «Макс»,
драма 15.30 «Ошикона»,
мусикий дастури 16.00
«Тайны мира», познава-
тельная передача 17.00
«Теле-хамкор» 17.30
«Детский час» 17.50 Ки-
новечер на «30-м»: «Жи-
дите свяznego», остросю-
жетный фильм 19.20
«Ошикона», мусикий дас-
тури 19.50 Звёзды рин-
га на «30-м»: Лучшие по-
единки звёзд професси-
онального и любительс-
кого бокса 20.50 «Луч-
шие клипы» 21.00 «Теле-
хамкор» 21.30 «Музы-
кальная пауза» 22.00 Ки-
новечер на «30-м»: «Аре-
на смерти», остросюжет-
ный фильм 24.00 «Ноч-
ной канал» - «Бандиты»,
остросюжетный фильм

Shanba

22

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёра-
си»:
9.00 1. «Ёш юлдуз-
лар»
2. «Уйла, Изла, Топ!».
Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Этикод мустаҳкам-
лиги йўлида»
10.20 Хамза номидаги
музыка коллежи
талабаларининг
концерти.
10.40 «Бу турфа
олам»
11.30 «Қирол шер-2».
Мультфильм.
12.50, 14.35 ТВ анонс.
12.55 Телетанлов:
«Алпомиш авлодла-
ри». Бухоро вилояти.
13.15 «Сабрина».
Бадий фильм. 1-
қисм.
14.15 Мусикий

танафус.
14.25 «Сабрина».
Бадий фильм. 2-қисм.
15.25 ТВ клип.
15.30 «Дўстлик»
студияси: 1.
«Ўзбекистон -
умумий уйимиз».
2. «Умид». 3. «Дур-
даршан»
16.30 «Бонифаций
таътилда». Мульт-
фильм.
16.50 «Изҳор».
17.10 «Қалб гавҳари».
17.30 «Табиат шифо-
хонаси»
17.40 Болалар учун.
«Саргузаштлар
орол»
18.10 «Рангин дунё».
18.30 «Куйла, ёшли-
гим»
18.50 «Қишлоқ
хаёти»
19.10 «Ўзлотто».
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида).
20.00 Оқшом эртакла-
ри.

20.15 FCN «Ўзбеки-
стон янгиликлари»
(инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артистлар.
21.25 «Хангома».
«Тунги ёғду». Дам
олиш дастури:
21.55 «КиноТеатр»
22.15 «Ўзбекистон»
телеканалида илк
маротаба: «Бобби»
Бадий фильм. 2-қисм.
23.45 «Ахборот-
дайжест»
00.05-00.10 Ватан
тимсоллари
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой
театри
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 ТВ-анонс
9.30 Табобат оламида
9.55 Сув - ҳаёт манбаи
10.00 Давр. Миллий
хавфсизлик
10.20 Очил дастурхон
10.40 «Ёлгон асира-

си». Телесериал
11.20 Кутилмаган
меҳмон
11.45 Бола тилидан
12.15 «Орзу дарахти».
Бадий фильм
13.50 Ёшлар ва ҳуқуқ
14.10 Интерфутбол
15.50 «Жаҳон мусика-
си хазинасидан».
Опералардан ариялар
1-қисм
16.55 Кишлоқдаги
тенгдошим
17.15 ТВ-анонс
17.20 Кўрсатувлар
дастури
17.25 «Янги авлод»
студияси. Меҳмонхона
17.50 Мульттомоша
18.05 Дунё ажойибот-
лари
18.15 Бизнес-академия
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» нигоҳи
19.45 ТВ-анонс
19.50 Ёшлар давраси
20.15 Мусикий лаҳза-
лар
20.25 Сув - ҳаёт
манбаи
20.30 Оханрабо
21.10, 22.35 Эълонлар
21.15 «Мона Лиза

табассуми». Бадий
фильм.
22.00 Давр
22.40 «Мона Лиза
табассуми» Бадий
фильм. (давоми)
23.55-0.00 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар
тартиби
17.20 Болажонлар
экрани.
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
17.55 «Мультчархпа-
лак».
18.15 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бака-
дам»
18.35 «Жаҳон геогра-
фияси»
19.05, 20.25 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
19.20 «Экран зийнати
ва киймати».
19.50 «Афиша»
20.10 «Мисли гавҳар»
20.40 «Табриклаймиз-
кутлаймиз»
21.10 «Нима учун?»
21.40 «Бахтли
бўлинг»
22.05 Кинонигоҳ.
«Кичкинанинг саргу-
заштлари»
23.35-23.40 Хайрли тун,
шахрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам
бўлинг». Тонгги дам
олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
8.55 Болалар спорти
9.10 «Хур қизлар»
Бадий фильм. 1-қисм.
11.00 Янгиликлар.
Бадий фильм. 2-қисм.
13.00 Дисней клуб:
«Тимон ва Пумба».
13.20 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпионати
13.50-14.00 «Спорт -
клуб»
16.55 Кўрсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.20 Мультфильм.
«Кичкина аскарлар»
19.00 «Ким милли-
онер бўлишни
истайди?»
20.00 «Время»
20.20 «Болалар
спорт»
20.35 «Спортивиз
маликалари»
20.50 «Эртага фут-
бол»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Захирадаги
спортчи». Равшан

Комилов.
21.35 «Футбол
мундиал»
22.05 Футбол. Англия
кубоги финал
«Манчестр Юнайт-
ед» - «Миллуол»
00.05 «Тунингиз
осуда бўлсин!».
30-канал
9.00 Открытие прог-
раммы 9.05 «Теле-хам-
кор» 9.30 «Детский час»
10.00 Фильм детям:
«Старик Хоттабыч», сказ-
ка 11.30 «Окно в мир» -
документальный фильм
12.00 «Арена смерти»,
остросюжетный фильм
13.40 Звёзды ринга на
«30-м»: Лучшие поедин-
ки звёзд профессиональ-
ного и любительского
бокса 14.30 Индийское
кино: «Упрямство» 17.00
«Пещера золотой розы»,
сериал 18.00 «Теле-хам-
кор» 18.20 Киновечер на
«30-м»: «Посланиник не-
бес», комедия 19.50
«Ошикона», мусикий дас-
тури 20.20 Хит-парад.uz
21.20 «Теле-хамкор»,
фойдала газета 21.40
«Музыкальная пауза»
22.10 Киновечер на «30-
м»: «Власть огня» фанта-
стика 24.00 «Ночной кан-
нал» - «Плохие парни»,
остросюжетный фильм

Yakshanba

23

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри»
11.20 «Бу турфа
олам»
12.10 «Кўҳна замин
оханглари»
12.30, 14.05 ТВ
анонс.
12.35 «Ота дуоси».
С.Айний номидаги
Бухоро вилояти
музыкали драма
театри спектаклининг
премьераси.
13.35 «Хангома»
14.10 «Рақслар
жилоси»
14.30 «Топилмалар
идораси». Мульт-
фильм.
15.00 «Портретга
чизгилар»
15.20 «Дўстлик»
студияси: 1. «Ран-
гинкамон». 2.

«Чинсэн».
3. «Дидар».
16.40 «Шов-шув».
Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Олтин тож».
Телевизион уйин.
2. «Улғайиш поғона-
лари»
18.00 «Экран ханда-
си»
18.30 «Шахсий фикр»
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Бизнес ҳафта»
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида).
20.05 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача»
20.30 «Тахлилнома»
21.15 2004 йил - Меҳр
ва-мурувват йили.
«Ободлик кўнгилда-
дир»
21.40 Эстрада тарона-
лари.
«Якшанба кинозали»:
22.00 «Насриддиннинг
саргузаштлари»
Бадий фильм.
23.15-23.20 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси. Меҳмонхона
8.50 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намоиши: «Сарчаш-
ма»
9.00 «Давр» нигоҳи
9.10 Кинотакдим
9.30 Томорқа
9.40 «Қаҳқаҳа» театр
студияси намоиш
этади
10.10 Автосалтанат
10.30 Оханрабо
11.10 «Ёшлар» телека-
налида ҳарбий-
ватанпарварлик
дастури:
1. Марди майдон. 2.
Аскар мактублари
11.50 «Қилни қирқ
ёриб» Интеллектуал
уйин
12.40 Меҳр кўзда
13.20 ТВ-анонс
13.25 «Ёшлар» телека-
налида премьераси:
«Питер Пен» Бадий
фильм
14.50 «Жаҳон мусика-
си хазинасидан».

Опералардан ариялар
2-қисм
15.55 Ринг қироллари
16.45 2004 - Меҳр ва
мурувват йили. Азизим
17.10 Кўрсатувлар
дастури
17.15 «Янги авлод»
студияси: Уй вазифа-
си, Бахтли болалик
17.45 Спорт ҳафтано-
маси
17.55 Синфдош
18.25 «Самарқанд:
универсиада оғуши-
да». 1-қисм
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 «Давр» - news
19.20 ТВ-анонс
19.25 Очун
19.50 Сув - ҳаёт
манбаи
19.55 Файрат Усмонов
куйлайди
20.15 «Заковат»
интеллектуал ўйини
21.05, 22.30 Эълонлар
21.10 «Симона»
Бадий фильм
21.50 Олтин мерос
22.00 «Давр» ҳафта
ичида
22.35 «Симона»
Бадий фильм (даво-
ми)
23.45-23.50 Хайрли тун

«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар
тартиби
17.20 Болажонлар
экрани.
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз»
17.55 «Эртақларнинг
сеҳрли олами»
19.35 «Жаҳон геогра-
фияси»
20.00 «Шунақа
гаплар». Ҳажвий
кўрсатув.
20.20, 21.25 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
20.35 «Табриклаймиз-
кутлаймиз»
21.05 «Дугоналар»
21.40 «ТВ плюс»
22.10 «Тенгдошлар»
22.40 Кинонигоҳ.
«Кабелчи»
00.10.00.15 Хайрли тун,
шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам
бўлинг». Тонгги дам
олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Полвон бўлмоқ-
чиман»
9.10 Д.Криловнинг

«Йўлда ёзилмаган
қайдлари»
9.30 «Хамма уйдали-
гида»
10.00 «От ҳақида
афсона»
10.30 Болалар спорти.
10.45 «Рақибингиз
гроссмейстер»
11.00 «Талаба ва
спорт»
11.10 И.Розанова,
И.Скляр, Т.Догилева
«Душанба болалари»
комедиясида.
13.00 «Кувноқ старт-
лар»
13.35 Оғир атлетика.
Жаҳон биринчилиги
олдидан.
13.55 Баскетбол
оламида: «NBA-jam»
14.25 -14.45 «Бинаф-
ша»
16.55 Кўрсатувлар
тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.15 «Спорт -
менинг ҳаётим»
Навоий вилояти.
17.45 «КВН-2004»
Юқори лига.
20.00 «Время»
20.45 «Халқ ўйинла-
ри»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Кўнгил-

кўнгилга пайванд»
21.45 Жаҳон спорти:
ФИФА.
22.45 Жаҳон спорти:
«Теннис»
23.45 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие прог-
раммы 9.05 «Теле-хам-
кор» 9.30 «Детский час»
10.00 Фильм детям:
«Волшебная лампа Ала-
дина», сказка 11.30
«Теле-хамкор» 12.00
«Власть огня», фантасти-
ка 13.30 Хит-парад.uz
14.30 Дневной кинозал:
«Когда низвергнутся не-
беса» комедия 16.20
«Пещера золотой розы»,
сериал 17.10 «Дикая
планета», познавательная
передача 18.00 «Теле-
хамкор» 18.20 Киновечер
на «30-м»: «Безумный
день монтера», комедия
19.50 «Ошикона», муси-
кий дастури 20.20 «Даль-
нобойщики», сериал
21.20 «Теле-хамкор»
21.40 «Музыкальная па-
уза» 22.10 Воскресный
киновечер на «30-м»: «Го-
ворящие с ветром», ост-
росюжетный фильм
24.00 Программа пере-
дач

МАКТУБЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

Матбуотнинг катта ютуғи ўқувчида ўзига нисбатан фикр мулоҳазалар, ишонч уйғота олишидир. Шу маънода, тахририятимизга келган мактублар мазмунини таҳлил этар эканмиз, кишиларда оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотга бўлган эътибор кун-сайин ортиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Айниқса, уларнинг ўз фикр-мулоҳазалари ва муаммоларини газета билан баҳам кўришлари қувонарли ҳол.

2004 йил бошидан буён ўқувчилардан тахририят номига бир қатор мактублар олинди. Хусусан, уларнинг аксарияти жойларда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ эришилаётган самаралар ҳақида бўлса, юзга яқин мактублар кишиларнинг оғирини енгил қилган турли соҳа вакилларига миннатдорчилик тарзида йўлланган.

Бироқ, шуни афсус билан таъкидлаш керакки, келаётган айрим мактублар муаммоли, жойлардаги адолатсизликлардан норозилик кайфиятида битилган.

Биргина мисол. Ангрен шаҳрининг Облик қишлоғидаги маиший хизмат уйининг неча йиллардан буён ишламай келаётгани, бу эса аҳолига бир мунча ноқулайликлар туғдираётгани ва ҳоказолар ҳақида газетада бир неча бор обликликларнинг ҳасратлари берилган эди. Бироқ, мутасадди ташкилотлар бунга пинак бузай дейишмайди. Ҳали ҳамон эски ҳаммом, эски тос.

Ёки бўлмаса охириги пайтда қаторасига Бекобод туманидан олинаётган шикоятлар ва уларнинг тақдирини олиб кўрайлик. Биргина бекободлик Ж. Боймуродовдан келган шикоят хатини текшириш ва чора кўриш учун жўнатилаганига қарийб беш ой бўляпти, ҳали Бекободдан бирор садо чиқмади.

Айни пайтда тахририятга йўлланаётган айрим шикоят мактубла-

ри масала охиригача ўрганилмасдан ёзилганлиги ҳам маълум бўлиб қолмоқда.

Масалан, Юқоричирчиқ тумани Аҳмад Яссавий номли ширкат хўжалигининг учинчи бўлимида яшовчи аҳоли номидан олинган шикоят хатини олиб кўрайлик. Хўжаликда жойлашган эски мактаб биносини ҳеч қандай асоссиз Т. Боирбеков исми шахсга хўжжатлаштириб берилгани, аҳоли эса бу жойни болалар учун спорт иншоотида айлантирмоқчи эканлиги мактуб мазмунини ташкил этади.

Ушбу шикоят жойига бориб ўрганилганида шу нарса маълум бўлдики, Т. Боирбековнинг ширкат хўжалиги бошқаруви раиси номига ёзган аризасига кўра, қатағон йилларида унинг отасидан тортиб олинган уй-жой ҳисобига хўжаликнинг ҳеч қандай моддий манфаатдорлигисиз ширкат хўжалиги қарори билан хўжжатлаштириб берилган. Т. Боирбеков эса бу ерда ўзи учун эмас, балки маҳалла-қўйга кичик бир чойхона ташкил этмоқчилигини ҳам айтган.

Аҳоли томонидан бунёд этилиши мўлжалланган болалар спорт иншооти учун ширкат хўжалиги томонидан алоҳида жой — шу ерда жойлашган, аммо ишламаётган болалар боғчасининг бир қисми ва биносини ажратиб, расмийлаштириб берилган. Аммо, бу ерда аҳоли томонидан ҳали бирор амалий ишга қўл урилмаган.

Мактублар, мактублар, мактублар... Уларни ўқир экансиз, жойларда эришилаётган ютуқлардан қувонасиз. Юқоридаги каби мактублардан эса дил ранжийди. Наиллож, иш бор жойда, ҳаёт давом этаётган маконда муаммо ҳам бўлади, камчилик топилади. Фақат уларни вақтида бартараф этиш лозим. Акс ҳолда кишиларда ана шундай норозилик кайфияти туғилаверади.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

ИГНА БИЛАН ДАВОЛАДИ

Икки-уч йил острохандроз касаллиги билан пойтахтдаги шифохоналарда даволандим. Очиғини айтиш керак, у ердаги нарх-навои ҳар доим ҳам чўнтак кўтаравермайди. Ўтган йили яна касалим хуруж қилиб, шифокорларга мурожаат этаман деб юрган кезларимда, туман газетасида янги иш бошлаган хусусий клиникада игна ва банка билан даволаётганликлари ҳақида ўқиб қолдим. Қизиқиб бордим. Анча навбат кутганимдан кейин клиника шифокори Герман Юрьевич Лян қабулига киришга муваффақ бўлдим. У билан суҳбатлашганимдан кейингина мижозлари нега кўпчилигининг сабабини тушундим. Аввало, хизмат ҳақи ҳамёнбон, қолаверса, бу ерда 24 хил хасталик даволанар экан.

Мен ҳам шу ерда шифо топдим. Ҳозир анча яхшиман. Касаллик ҳам безовта қилаётгани йўқ.

Мен Герман Юрьевич Лянга ўз миннатдорчилигини билдираман. Эл-юрт корига ярашдек масъулиятли ишда унга куч-қувват тилайман.

Тиллабек МИРЗАҲМЕДОВ,
Оққўрғон тумани, меҳнат фахрийси.

Одоб-ахлоқ, маърифат-маданият ҳақида жуда кўп гапирамыз. Айниқса, бугунги кунда ёшларнинг маънавий қийфаси, ўзини тутиши, юриш-туриши тилдан тушмас мавзуга айланган.

ИБО, ҲАЁ — ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Яқинда шаҳарга боргандим. Бекатда турсам, бир ёш ўзбек қизи автобусдан тушди. Кечирасизлару, унинг уст-бошини кўриб, мен уялиб кетдим. Танасининг ярмини атрофдагиларга кўз-кўз қилиб борарди. Ёнимдаги ҳамроҳим ҳам

бунга эътибор берди чоғи, ҳазилона киноя қилди: «ҳозирги пайтда қизлар матони ҳам «эканом» қилишга ўтишибди-да».

Ўйлаб қолдим. Наҳотки, ана шундай беҳаё кийимларни ота-оналар ўз фарзандларига раво кўрсалар?



Чирчиқдаги Ҳайдар Мақсудов маҳалласи шаҳардаги энг фаол жамоалардан саналади. Ҳозирда бу даргоҳда 4800 нафар турли миллатга мансуб аҳоли яшайди. Хонадонлар юз фоиз газ ва сув билан таъминланган. Маҳаллада ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан доимий хабар олиб туриш аъёнага айланган. Яқинда бу ерда маҳалла оксоқолининг ташаббуси билан «Отахонлар» чойхонаси қурилиб, аҳоли хизмати-га топширилди.

СУРАТДА: (чапдан) «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирғуллом Алимов, Ҳайдар Мақсудов маҳалласи оксоқоли Ботир Давронов, «Маҳалла» жамғармасининг Чирчиқ шаҳар бўлими раиси Жўра Норматов ва Жамила Собировалар навбатдаги ишлар юзасидан суҳбатда.

Даврон АХМАД олган сурат.

«ЙЎЛЛАНМАНИ ҚАЧОН ОЛАМАН?»

Юқоричирчиқлик Саидали Исмагуловдан шикоят хати олинган эди. Унда С. Исмагулов ўзининг иккинчи гуруҳ ногирони эканлигини, «Товоқсой» санаторийсига йўлланма ололмаётгани ҳақида ёзган эди. Ушбу шикоят хатига Юқоричирчиқ тумани ижтимоий таъминот бўлимидан жавоб олинди.

Унда ёзилишича, ҳақиқатан ҳам С. Исмагулов ижтимоий таъминот бўлимига «Товоқсой» санаторийсига йўлланма олиш масаласида бир неча бор мурожаат қилган. Аммо, унга ҳозирча бу санаторийга йўлланма йўқлиги, бироқ, «Олтиарик» ва «Косонсой» санаторийларига бориб, ҳордиқ чиқариб, даволаниши мумкинлигини айтишган.

Бунинг асосий сабаби

эса «Товоқсой» санаторийсига биринчи навбатда иккинчи жаҳон уруши ва афғон уруши қатнашчилари ҳамда ногиронлари, шунингдек, Чернобыль атом станцияси ҳалокатида иштирок этганларга қатъий равишда, навбати билан йўлланма берилиши маълум қилинган.

Ҳозирги кунда эса бу санаторийга навбатда турганлар сони 100 нафардан ошди.

ОТАСИНИНГ ЧИРОҒИНИ ЁҚСА ДЕВДИМ

Ўғлим Тоҳир Абдуллаев 1991 йилда бевақт оламдан ўтди. Қалбим тирналиб, юрагим фарзанд доғида ёнаётган бир пайтда, келиним ўғлимдан қолган уч фарзандини олдию, ҳали Тоҳиржонимнинг тупроғи совумай, бошқа эрга тегиб кетди. Бежиз айтишмас экан «Инсон қорнига эмас, қадрига йиғлайди» деб.

Бу ҳам майли. Аммо, ўғай ота набираларимни гоҳ-гоҳида хафа қилаётганини эшитиб чидолмаяпман.

Болаларини менга берсин, уй-жойини ўзим қуриб бераман, ўзим учала ўғлини ҳам уйлантираман, ундан ҳеч нарса сўрамайман, деса, онаси бирортасини ҳам бермайман, дейди. Ахир, фарзандимнинг фарзандику. Уларга мен ҳам оналик қила оламан. Ҳеч нарсадан

кам қилмайман.

Тўғри, қонун нуқтаи назаридан бунга ҳақим йўқдир. Аммо инсонийлик юзасидан бирор набирамни олишим мумкинми?

Ахир, ўз уйида отасининг чироғини ёқиб, уни эслаш фарзанд қарзи-ку!

Наҳотки, шуни келиним тушуниб етмаса?!

Карима АБДУЛЛАЕВА,
Қибрай тумани.

Савол беринг, жавоб берамиз

Савол: — Мен иккинчи жаҳон уруши йиллари давлат корхоналарида меҳнат қилган эдим, аммо, менинг шу йилларда ишлаганлигим ҳақидаги меҳнат дафтарчам сақланган эмас экан.

Шу муносабат билан пенсиямга 30 фоизли қўшимча қўшилмаган. Ана шу қўшимчани қўйиш имконияти борми?

Бувайда УМАРОВА,
Юқоричирчиқ тумани.

Ушбу саволга Юқоричирчиқ тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Зулфия МИРАШИРОВА жавоб беради.

— Агар пенсионер иккинчи жаҳон уруши йилларида меҳнат қилган бўлса, бунга тасдиқловчи меҳнат дафтарчаси ёки меҳнат қилган корхонасидан маълумотнома бўлиши лозим. Бироқ, бу ҳужжатларнинг биронтаси сақланмаган тақдирда, ўша йилларда у киши билан бирга меҳнат қилган икки нафар гувоҳнинг кўрсатмаси асосида тегишли ҳужжатлар қайта тикланади ва пенсияга тегишли қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз. Гувоҳ сифатида кўрсатма бераётган кишиларнинг уруш йилларида меҳнат қилганлиги ҳақидаги меҳнат дафтарчаси ёки ўша ташкилотдан берилган маълумотномаларнинг асл нусхалари бўлиши зарур. Агар гувоҳларнинг ўзлари ҳам ўзга гувоҳлар кўрсатмаси асосида меҳнат фаолиятларини тасдиқлаган бўлсалар, гувоҳликка ўтолмайдилар.

Савол: Мен юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи эдим. Бунинг учун ўз муҳрим ва тамғам бўлиши лозим. Бироқ муҳр ва тамғаларни тайёрлатиб, қўлимга олгунча узоқ-яқинга қатнаб, анча сарсон бўлдим. Шу муаммоларни жойининг ўзида бирон ташкилот орқали ҳал этишнинг имконияти йўқми?

Акбар САМАДОВ,
Бўка тумани.

Ушбу саволга вилоят «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» раиси Бобур ДАВЛАТОВ жавоб беради.

— Дарҳақиқат, палата томонидан олиб борилган сўровлар натижасига кўра, янги тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олиш инспекциясидан керакли ҳужжатларни олганларидан сўнг, ўзларига тегишли муҳр ва тамғаларга буюртма бериш учун бир неча бор олиш жойларга овоза бўлиб, ишлари битмай қолаётган холларни ҳам учратмоқдамиз. Яқинда ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси муассислигида муҳр ва тамғалар тайёрловчи корхона ташкил этилди. Эндиликда тадбиркорлар палатанинг шаҳар ва туман бўлиmlарига ушбу масала бўйича мурожаат этсалар, ўзaro ўрнатилган электрон алоқа яъни модем орқали буюртма қабул қилинади ва бажарилади. Тайёр бўлган муҳр ва тамғалар жойига етказиб берилади.

Роттердам музейида — ўзбек хонаси

Роттердам Нидерландия ҳудудидан ташқарида ҳам Европа транспорт ва саноат маркази сифатида кенг танилган. Шаҳар халқаро аҳамиятга молик порт билан бир қаторда Маас дарёси қирғоғида жойлашган Роттердам жаҳон музейи билан ҳам машҳурдир. Унинг кўргазма залларида турли мамлакат ва минтақалар маданияти ва санъатини акс эттирувчи 350 мингдан ортиқ экспонат мавжуд.

Шу кунларда музейда Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос экспозиция очилди. Музейнинг виртуал «меҳмонхонаси»да мамлакатимизга бағишланган махсус сон жойлаштирилди. Экспозициянинг, авваламбор, болалар учун тайёрланган ушбу бўлимига ташриф буюрганлар Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси томонидан тақдим этилган китоблар ва журналлар, амалий санъат асарлари намуналари билан танишишлари мумкин.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

Bolalik bog'i

ZERIKMAYMAN

Tongda tursam jilmayishar
G'uncha, gullar.
Sochlarimni tortqilaydi,
Mayin yellar.
Zerikmayman.

Yashil rangda dov-daraxtlar,
Yozning ko'rki.
Sirli olam tuhfasidir,
Bizga balki.
Zerikmayman.

Gullar bargi childirmasi —
Yoz shamolin.
Raqs tushib, ko'z-ko'zlashar,
O'z jamolin.
Zerikmayman.

Asom ZIYOMAT.

Москвада «Жиноятчилик ва терроризм билан кураш — жаҳон ҳамжамияти иши» шиори остида «Қонун ва жамият» мавзусидаги детектив фильмлар ва теледастурлар фестивали бўлиб ўтди. Анжуман танлов дастурига 30 та мамлакатнинг 90 дан ортиқ кино ва телекомпаниялари томонидан 150 га яқин фильм ва дастур тақдим этилди.

Турмуш чорраҳаларига

Ирода кўзлари қувончдан чарақлаб турган ўғилчасига ҳорғин нигоҳ ташлади. Бағрига талпинган боласининг бошини силаб, ўпиб қўйди.

— Тезроқ туфлингни кийиб чиқақол, кетамиз.

Бола ўзига тегишли жавондан туфлисини кийди-да, онасига қараб чопди.

— Боғча опанг билан хайрлашмайсанми? Бола зудлик билан орқасига қайтди, жилмайиб турган боғча опасини кўрди-ю, дўмбоқ қўлчаларини силкитиб хайрлашди.

— Эртага совун, дафтар олиб келишни унутманг.

Оқ халатли боғча опага «хўп» ишорасини қилган Ирода тинимсиз вижир-вижир қилиб чулдираётган ўғлининг гапларини деярли эшитмасди. «Яна совун сўрайди булар. Ҳали гуруч, ёғ олишим керак. Бир ёқда уй ҳақи, тўловлар... уф-ф». Бир ойдан буён касал ётган синглисига етолмаяпти ўзи. Ишхонада интизом, уйда каму-кўст... Қаёқдана эрини олисга — тижорат қилишга жўнатди. Оёқ тираб турса бўлмасмиди?! Мана, бир йилдан буён Султон дом-дараксиз, хотини боласини бағрига босганича хувиллаб қолган уйда ёлғиз ўтирибди.

Ўша ҳорғин кайфиятда эшигига қулф урар экан, ўғлининг:

— Ойи, кўчада ўйнагим келаяпти, — деганини эшитгач, «борақол», дея бош чайқади. Болакай чопқиллаб чиқиб кетди.

Хайхотдек уйда юраги сиқилган Ирода онасига сим қокди. Ҳар галгидек «нолаю афгон» бошланди:

— Катта кеннойинг зиёфатда, келининг опасиникига кетган, уканг тўй бошляпти, рўзгор юмушларидан хоридим...

Синглисига сим қокқан Ироданинг дили баттар хуфтон бўлди:

— Жонимга тегди кувингиз. Ичгани-ичган ер юткур, уйга ҳемириниям олиб келмайди... Почтамга ўхшаб пул топишга кетсаям майли эди!

Ирода оғир хўрсинди, хувиллаган юрагига санчик турди. Намунча буларни ғам босиб кетган? Охиста дугонасининг телефон рақамини тира бошлади:

Ўзбек фильми — халқаро кинофестиваль лауреати

Таниқли ёзувчи Аркадий Вайнер ва иқтидорли актер Василий Ланов бошчилигидаги нуфузли хайъат ижодий маҳсулотлар баҳосига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлди.

Кизгин рақобат руҳида ўтган фестивалда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги «Санъат-Маъно» студияси томонидан суратга олинган «Қонли олишув» фильми юқори баҳоланди. Хайъат ўзбек киночиларининг асарини «Ҳаром пуллар» номинациясида голиб деб эълон қилди. Мазкур йўналишда

тақдим этилган теледастур ва фильмларда молия ва банк тизимидаги жиноятчиликка қарши кураш, солиқ идоралари фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА.



Э, ҳозир нима кўп, кўчада қолган саёқ кўп! Яна ўзинг биласан... Шокирнинг жазманини бозорда кўриб қолдим, сумкамдаги картошка билан бошлаб бошига туширмоқчийдим, номард орага тушиб «севгилиси»ни кутқариб қолди. Икки боласини ўйлагани йўқ. Ўша билан кетди-қўйди. Э-э, тўпигимга ҳам чиқмайди, билсанг қадамимда...

«Уф-ф, бошланди». Тоқати-тоқ бўлган Ирода гўшаки шарақлатиб қўйди. Магнитофонни буради:

«Кузак япроғидек сарғайди юзим,
Ҳажр оташида ёндим, ёрижон...»

Баттар юраги эзилган аёл магнитофонни ўчириб, телевизор муруватини буради: кўзлари жовдираган афгон болалари, очлик ҳоритган забун гавдалар...

Кўчага отилиб чиқди аёл. Кичкинагина томорқасига бош суқди: экинлар пайҳон. Демак, яна қўшнисининг кучуги топтаган, нима бўлаяпти ўзи?

Энди қаёққа қочиш керак?

Ғира-шира шом қоронғусида ўғли эсига тушиб, деразадан кўчага боқди:

— Муроджон!

— Ойи, яна бирпас ўйнасам, майлими?

Ўғлининг сўрови жавобсиз қолди...

Боши ғувуллаб оғриётган аёл диванга чўзилди. Нимага бунчалик кўнгли ғаш? Юрагини келтириб соғинчми, қайғуми, ҳижрон... Султоннинг бедарак кетиши... Энг оғир яра. Шу тобда унинг мунглиг юрагига ҳеч ким тасалли беролмаяпти-ку?!

— Ойижон! — Эшикдан отилиб кирган Муроджон Иродани кучиб, эркалади:

— Ойи! Ойижон, катта бўлсам, сизга дадамнинг олдида учуриб оборадиган самолёт олиб бераман.

— Йўқ, — ич-ичидан титради аёл, — дадангнинг олдида ўзим бораман! Бизнинг ғариб дилимизни, хувиллаб қолган бағримизни ундан бўлак ҳеч ким тўлдиролмайди... Дадангни топишимиз керак, болам. Ёлғиз қанот билан учолмаяпман...

Юрагини сиқувга олган айрилиқ, ҳижрон азоби, кўнглига таскин беролмаган берух кунлар ўчи, бардошини букиб бораётган умидсизликдан кўзларига қўйилиб келган ёшини ўғлидан яшириш учун ошхонага кириб кетди.

Аммо паришон онасига жовдираб термулаётган болакай бор беғуборлиги билан уни ову-тарди:

— Ойи, ойи-чи, сиз йиғласангиз, мен касал бўлиб қоламан. Кейин мени дўхтирлар олиб кетса, бир ўзингиз йиғлаб ўтирасиз...

Иродани хушига келтирган «бир ўзингиз» деган сўз бўлди. Ногоҳон уни титроқ босди. Дарвоқе, бир ўзи қолса, нима қиларди? Бола худди онасининг гапини такрорларди. Ахир, у шўхлик қилганида онаси доим шундай дерди-да.

Ирода ўғлини қучоқлаб йиғлади:

— Бўлди, йиғламайман, сен борсан-ку, ахир... сен учун яшайман, болам. Борингга шукрлар айтиб яшайман...

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни ташқаридан келтири-лаётган сифатсиз товарлар экспанциясидан ҳимоялаш ва шу орқали тадбиркорларга мададкор бўлиш Тошкент тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимларининг муҳим вазифаларидан бири.

Хуфёна фаолият кўрсатаётган, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товляётган шахслар фаолиятини фожия, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда етказилган зарарларни тўлиқ ундириш борасида ҳам туманда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай, айрим фуқароларимиз белгиланган тартибни бу-

ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ...

зишмоқда. Улар тўғри йўл қолиб, қинғир ишга қўл уришмоқда. Фикримизга Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор талабларини бажариш борасида қилинаётган ишлар далил бўлади.

Муҳаббат Ҳайбуллова ва Вазирлар Эрмаговлар хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган жами 540.000 сўмлик, акциз маркаси бўлмаган 7 турдаги 1360 кути тамаки маҳсулотларини Қозоғистон республикаси-дан сотиб олиб республикамизда муомалага киритмоқчи бўлдилар. Бироқ улар ниятларига ета олмадилар. Бу шахслар ўз молларини Тошкент тумани «Фишт-кўприк» маҳалласи,

Олмазор кўчасидаги айланма йўл орқали яширинча олиб ўтаётганда ушланди ва далилий ашё сифатида маҳсулотлар ушлаб қолинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш очилди.

Маъмура Тожибоева ҳам икки миллион сўмликдан ортиқ ёғоч тўсинларини автомашинага юклаб Ўзбекистон Республикаси божхона назоратини четлаб ўтиб, айланма йўл орқали олиб кираётганда қўлга олинди. Ёғоч тўсинлари эса далилий ашё сифатида олинди, мусодара қилинди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарлардан 27906,7 минг сўмлик турли хил товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний ишлаб келаётган

яширин цехлар фаолиятига барҳам берилиб, 130 минг сўмлик маҳсулотлар олинди.

Туманда бу хилдаги қинғир ишларнинг олдини олиш борасида жиддий чоралар кўриляпти. Фаолиятимизнинг асосий йўналиши ҳам шунга қаратилган. Ҳуқуқий билими етарли инсонлар ноўрин хатти-ҳаракат қилмайди. Шунинг учун тарғибот-ташвиқотнинг таъсирчан, самарали усуллари билан кенг фойдаланяпмиз. Қисқача айтганда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири.

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Тошкент туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 62-ўрта мактаб томонидан 1988 йил 21 июнда Шерматов Дилшод Умурзакович номига берилган А № 471134 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Сергели тумани «LERMUX» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекобод туманидаги тиббиёт коллежи томонидан 1991 йилда Холмуродова Раҳима номига берилган ПТ № 1088904 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгиобод шаҳар, 7-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Нораевна Улуғбек Мамазоидович номига берилган АУ-271322 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

САМПИ қошидаги медицина ўқув юрти томонидан 1987 йилда Сафиева Муаттар Насировна номига берилган 067796 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРОВАД

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида тартиб ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.